
Қулибеклик Мунаввархон Каримова Бўзатовда куйлайди

Истеъдодли ёшларни кашф этиш, уларни рағбатлантиришни мақсад қилган “Ёшлар овози” танловининг саралаш (маҳаллалар) ва сектор босқичларидан сўнг, маҳаллий ва ҳудудий босқичлари ҳам кўтаринки руҳда ташкилланди.

Танловнинг Фарғона вилоят босқичида иштирок этган Ўзбекистон тумани вакиласи Мунаввархон Каримова эстрада йўналиши (10-15 ёш тоифаси) бўйича ғолибликни қўлга киритди.

Ўз муваффақияти билан республика босқичига йўлланмани қўлга киритган қулибеклик ёш истеъдод эгаси Қорақалпоғистоннинг Бўзатов туманида куйлаб, туман ҳамда вилоятимиз шарафини муносиб ҳимоя қилади.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги

2022-04-23 18:15:19